

**Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги
Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари
тўғрисида”ги 2019 йил 17 августдаги 686-сон қарори ижросини
АМАЛГА ОШИРИШ ГРАФИГИ**

(2023 йил 5 сентябрь ҳолатига)

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Ижроси тўғрисида маълумот
1.	“Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.	Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти фаолиятини ташкил этиш бўйича Давлат статистика қўмитасининг буйруғини қабул қилиш.	2019 йил 27 августгача	Бажарилган. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори бўйича Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 21 августдаги 91-сонли буйруғи тасдиқланди.
2.	Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат статистика қўмитаси деб аталади) ҳузуридаги Институтнинг бошқарув ва профессор-ўқитувчи ходимларининг чекланган сони 31 кишидан иборат бўлган тузилмаси 1-иловага мувофиқ; Институтнинг самарали фаолиятини таъминлаш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.	Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти штат жадвалини тасдиқлаш. Институтнинг самарали фаолиятини таъминлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2019 йил 1 сентябргача	Бажарилган. Институтнинг 2019 йил 24 августдаги 25-сонли буйруғи билан штатлар жадвали тасдиқланди. Бажарилган. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтининг самарали фаолиятини таъминлаш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси” 2019 йил 31 август куни Институт директори томонидан тасдиқланди.

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Ижроси тўғрисида маълумот
3.	<p>Белгилаб қўйилсинки:</p> <p>Институт Давлат статистика қўмитаси хузуридаги Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари марказининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;</p> <p>Институт директори Давлат статистика қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;</p> <p>Институт директори ва унинг ўринбосарлари, профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларига олий таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли ходимлари учун, бошқа ходимларига эса, Давлат статистика қўмитаси ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади</p>	<p>Маълумот ва ижро учун қабул қилиш.</p> <p>Институт директорини белгиланган тартибда лавозимга тайинлаш бўйича Давлат статистика қўмитаси раисининг буйруғини қабул қилиш.</p> <p>Институт раҳбарияти, профессор-ўқитувчиларига ва илмий ходимларига олий таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларининг ходимлари учун ҳақ тўлаш, бошқа ходимларга эса Давлат статистика қўмитаси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини татбиқ этиш.</p>	2019 йил 1 сентябргача қадар	<p>Бажарилган.</p> <p>Институт директорини тайинлаш бўйича Қўмитанинг 2019 йил 27 августдаги 270-к сонли буйруғи тасдиқланди.</p> <p>Бажарилган.</p> <p>2019 йил сентябрь ойидан бошлаб Институт раҳбарияти, профессор-ўқитувчиларига ва илмий ходимларига олий таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларининг ходимлари учун ҳақ тўлаш, бошқа ходимларга эса Давлат статистика қўмитаси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини татбиқ этиш жорий этилди.</p>
4.	<p>Қуйидагилар Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:</p> <p>Давлат статистика ишлари дастури доирасида давлат статистика органлари ходимларининг малакасини ошириш ва инновацион статистик тадқиқотларни ташкил этиш учун институтни сақлаб</p>	Маълумот ва ижро учун қабул қилиш.	-	<p>Бажарилган.</p> <p>Маълумот ва ижро учун қабул қилинди.</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Ижроси тўғрисида маълумот
	<p>туришга ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;</p> <p>Институт томонидан шартнома асосида бажариладиган илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлилий ишлар, таълим ва бошқа хизматларни кўрсатишдан тушадиган тушумлар;</p> <p>Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган ва танловга асосан шакллантириладиган давлат илмий-техникавий дастурларини амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлар;</p> <p>халқаро статистика, молия ва бошқа институтларнинг грантлари;</p> <p>қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар</p>	<p>Илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлилий ишлар, таълим ва бошқа хизматларни кўрсатиш бўйича корхона ва ташкилотлар билан шартномалар тузиш.</p> <p>Давлат илмий-техникавий дастурларида танлов асосида иштирок этиш.</p> <p>халқаро статистика, молия ва бошқа институтларнинг грантларини жалб этиш.</p> <p>қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбаларни белгиланган тартибда жалб этиш.</p>		
5.	<p>Давлат статистика қўмитаси:</p> <p>а) икки ой муддатда:</p> <p>Институт уставининг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини, шунингдек, белгиланган тартибда унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;</p>	<p>Институт уставини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш.</p>	2019 йил 15 октябрь	<p>Бажарилган.</p> <p>Институт устави ишлаб чиқилиб, Қўмитанинг 2019 йил 10 сентябрдаги 94-сонли буйруғи билан тасдиқланди, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилди.</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Ижроси тўғрисида маълумот
	<p>давлат статистика органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тўғрисидаги низом, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин;</p>	<p>давлат статистика органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тўғрисидаги низом, амалдаги ўқув курсларини қайта кўриб чиқиш, қайта кўриб чиқилган ўқув курслари бўйича ўқув режалари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>		<p>Бажарилган. Давлат статистика органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низом Қўмита раиси томонидан 2019 йил 15 октябрь куни имзоланган. Ўқув режалари ва дастурлар Институт Илмий кенгашининг 2019 йил 17 октябрдаги 8-сонли баёни билан тасдиқланган.</p>
	<p>Институт ҳузурида хўжалик фаолияти ҳисобига молиялаштирилувчи “Ўзбекистон статистик ахборотномаси” илмий-оммабоп журналини белгиланган тартибда ташкил этсин ва уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этиладиган докторлик диссертацияларининг асосий илмий-амалий натижалари чоп этиладиган илмий нашрлар рўйхатига киритсин;</p> <p>Институтни ўқитишнинг замонавий услубларини қўллаш кўникмаларига ва илмий-тадқиқот ишлари бўйича амалий тажрибага эга бўлган малакали ходимлар билан тўлдирилишини таъминласин;</p>	<p>Институт ҳузурида хўжалик фаолияти ҳисобига молиялаштирилувчи “Ўзбекистон статистик ахборотномаси” илмий-оммабоп журналини белгиланган тартибда ташкил этиш ва уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этиладиган докторлик диссертацияларининг асосий илмий-амалий натижалари чоп этиладиган илмий нашрлар рўйхатига киритиш;</p> <p>Институтни ўқитишнинг замонавий услубларини қўллаш кўникмаларига ва илмий-тадқиқот ишлари бўйича амалий тажрибага эга бўлган малакали ходимлар билан тўлдирилишини таъминлаш.</p>		<p>Бажарилган. Институт ҳузурида “Ўзбекистон статистик ахборотномаси” чораклик электрон илмий журнали (www.statmirror.uz) ташкил этилди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 2019 йил 27 августда 1309-сон гувоҳнома билан рўйхатга олинди.</p> <p>Бажарилган. 2019-2021 йилларга мўлжалланган статистика тадқиқотлари дастури ишлаб чиқилди, Қўмита раисига 2019 йил 2 октябрдаги</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Ижроси тўғрисида маълумот
	<p>б) Институт билан биргаликда уч ой муддатда Институтнинг қуйидаги вазифаларни бажаришни назарда тутувчи 2019-2021 йилларга мўлжалланган статистика тадқиқотлари дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:</p> <p>макроиқтисодий статистика кўрсаткичларининг, шу жумладан миллий ҳисоблар, давлат молияси, пул - кредит соҳаси, тўлов баланси ва меҳнат бозори статистикасининг ўзаро мувофиқлиги ва илмий асосланганлигини таъминлаш;</p> <p>кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг чораклик ва йиллик кўрсаткичлари статистикаси ва ҳисобининг тўлиқлигини таъминлаш;</p> <p>иқтисодий фаолият турлари бўйича норасмий бандликни статистик ҳисобга олишнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича услубий воситалар ишлаб чиқиш;</p> <p>ижтимоий-иқтисодий жараёнларни акс эттиришда математик статистика ва экометрика усулларини кенг қўллашнинг услубий базасини яратиш;</p> <p>мамлакатда “рақамли иқтисодиёт”нинг жорий ҳолатини ўрганиш ва қисқа ва узоқ муддатли ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш</p>	<p>Институтнинг қарор билан белгиланган вазифаларини бажаришни назарда тутувчи 2019-2021 йилларга мўлжалланган статистика тадқиқотлари дастурини шакллантириш ва тасдиқлаш.</p>	<p>2019 йил 16 ноябрь</p>	<p>01/1-05-21/1-246-сонли хат билан тақдим этилди.</p> <p>Бажарилган.</p> <p>Статистика методологияси ва амалиётини такомиллаштириш масалаларини қамраб олган “Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти томонидан 2019-2021 йилларда амалга ошириладиган статистик тадқиқотлар дастури” ишлаб чиқилди ва қўмита раиси томонидан 2019 йил 15 ноябрда тасдиқланди.</p>
	<p>в) қуйидаги масалаларда Институт фаолиятини мувофиқлаштирсин:</p> <p>давлат статистика органлари ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар ходимларининг</p>	<p>Институт фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш, ижроси бўйича доимий мониторинг юритиш.</p>	<p>Доимий</p>	<p>Бажарилмоқда</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Ижроси тўғрисида маълумот
	<p>статистика соҳаси бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантириш, статистик таҳлил соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича янги ўқув дастурларини ишлаб чиқиши;</p> <p>илғор статистика усуллари ва технологиялари асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши ва инновацион ишланмаларни амалга оширилиши;</p> <p>статистика соҳасидаги илғор тажрибага эга маҳаллий ва хорижий илмий ҳамда таълим муассасалари, халқаро статистика ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиниши;</p>			<p>статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ - 4796-сонли қарори билан тасдиқланган “Йўл харитаси” нинг 84 - банди билан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ходимларининг амалий билим ва кўникмаларини шакллантириш мақсадида «Статистика асослари» бўйича ўқитишни йўлга қўйиш вазифаси белгиланган эди.</p> <p>Давлат раҳбарининг юқорида қайд этилган қарори талабини 2023 йилда бажарилишини тизимли ташкил этиш мақсадида, «Статистика асослари» бўйича 20 соатлик махсус ўқув курси ишлаб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг директори томонидан 2023 йил 12 январ куни “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сонли қарорига мувофиқ 2023 йилда давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда корхоналар ва ташкилотлар иқтисодчи</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Ижроси тўғрисида маълумот
				<p>ходимлари учун шартнома асосида “Статистика асослари” курсини ташиқ этиш ва ўтказиш режа – жадвали” тасдиқланган бўлиб, унга асосан шу йилнинг январ – феврал ойларида республика вазирликлари ва идораларининг иқтисодчи ходимларини ўқитиш белгиланган.</p> <p>Мазкур тасдиқланган режа – жадвалга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти томонидан махсус ўқув курсини иккинчи босқичида <u>2023 йил 15-17 февраль кунлари</u> қуйидаги вазирлик иқтисодчи ходимлари учун</p> <ul style="list-style-type: none"> - Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги - Адлия вазирлиги - Ташиқ ишлар вазирлиги - Ички ишлар вазирлиги - Фавқулотда вазиятлар вазирлиги - Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги - Маданият ва туризм вазирлиги - Қурилиш ва уй-жой

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Ижроси тўғрисида маълумот
				<p>коммунал хўжалиги вазирликлари:</p> <p>Учинчи босқичида <u>2023 йил 22-24 февраль кунлари</u> қўйидаги қўмиталар ва агентликлар иқтисодчи ходимлари учун</p> <ul style="list-style-type: none"> - Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси - Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Божхона қўмитаси - Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Кадастр агенлиги қўмитаси - Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Оила ва хотин-қизлар қўмитаси - Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси - Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси - Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси - Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги - Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Ўсимликлар

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Ижроси тўғрисида маълумот
				<p>карантини ва ҳимояси агентлиги - Табиат ресурслари вазирлигининг Ўрмон хўжалиги агентлиги.</p> <p>Ўқув курси машғулотлари Статистика агентлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган ўқув режасига мувофиқ ва махсус ишлаб чиқилган дастур асосида ташкил этилди ва ўтказилди. Ўз навбатида, курс иштирокчилари ўтилган машғулотлар бўйича электрон шаклда маъруза матнлари, тақдимот ва тегишли тарқатма материаллари билан таъминланди.</p> <p>Шунингдек, курс якуни билан унинг иштирокчиларига белгиланган намунадаги гувоҳнома берилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора- тадбирлари тўғрисида” ПҚ- 4796-сон қарорига мувофиқ, жорий йилнинг <u>29-31 март</u> <u>кунлари Фарғона вилоятининг</u> барча бўғинидаги (вилоят, шаҳар ва туманлар) ҳокимликлари ҳамда вилоят ташкilotлари иқтисодчи ходимлари учун “Статистика</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Ижроси тўғрисида маълумот
				<p>асослари” бўйича шартнома асосида сайёр ўқув курси ташкил этилди ва ўтказилди.</p> <p>-Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4796-сон қарорига мувофик, жорий йилнинг <u>26-28 апрель кунлари Наманган вилоятининг барча бўғинидаги (вилоят, шаҳар ва туманлар) ҳокимликлари ҳамда вилоят ташкилотлари иқтисодчи ходимлари учун “Статистика асослари” бўйича шартнома асосида сайёр ўқув курси ташкил этилди ва ўтказилди.</u></p> <p>“Статистика асослари” бўйича шартнома асосида ташкил этилган сайёр ўқув курсининг якуни бўйича унда иштирок этган тингловчиларга белгиланган намунадаги гувоҳнома берилди.</p> <p>-Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Ижроси тўғрисида маълумот
				<p>4796-сон қарорига мувофик, жорий йилнинг <u>29-31 май кунлари</u> Андижон вилоятининг барча бўғинидаги (вилоят, шаҳар ва туманлар) ҳокимликлари ҳамда вилоят ташкилотлари иқтисодчи ходимлари учун “Статистика асослари” бўйича шартнома асосида сайёр ўқув курси ташкил этилди ва ўтказилди.</p> <p>“Статистика асослари” бўйича шартнома асосида ташкил этилган сайёр ўқув курсининг якуни бўйича унда иштирок этган тингловчиларга белгиланган намунадаги гувоҳнома берилди.</p> <p>-Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4796-сон қарорига мувофик, жорий йилнинг <u>23-25 август кунлари</u> <u>Қашқадарё вилоятининг</u> барча бўғинидаги (вилоят, шаҳар ва туманлар) ҳокимликлари ҳамда вилоят ташкилотлари иқтисодчи ходимлари учун “Статистика асослари” бўйича шартнома асосида сайёр ўқув курси</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Ижроси тўғрисида маълумот
				<p>ташкил этилди ва ўтказилди.</p> <p>“Статистика асослари” бўйича шартнома асосида ташкил этилган сайёр ўқув курсининг якуни бўйича унда иштирок этган тингловчиларга белгиланган намунадаги гувоҳнома берилди.</p> <p>“Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти томонидан 2021 йилда амалга ошириладиган статистик тадқиқотлар дастури” ишлаб чиқилди ва қўмита раиси томонидан 2020 йил 20 декабрда тасдиқланди.</p> <p>2021 йилда 10 та тадқиқот бажарилди.</p> <p>“Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти томонидан 2022 йилда амалга ошириладиган статистик тадқиқотлар дастури” ишлаб чиқилди ва қўмита раиси томонидан 2021 йил 20 декабрда тасдиқланди. Шундан март ойида битта тадқиқот иши Ижтимоий муаммолар бўйича статистика тадқиқотлар бўлими томонидан бажарилди.</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Ижроси тўғрисида маълумот
				<p>Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти томонидан 2022 йилда амалга ошириладиган статистик тадқиқотлар дастурига мувофиқ май ойида дастурда тадқиқот иши кўрсатилмаган.</p> <p>Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти томонидан 2022 йилда амалга ошириладиган статистик тадқиқотлар дастурига мувофиқ июн ойида тадқиқот иши Иқтисодий муаммолар бўйича статистика тадқиқотлар бўлими томонидан бажарилди.</p> <p>Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти томонидан 2022 йилда амалга ошириладиган статистик тадқиқотлар дастурига мувофиқ июль ойида тадқиқот иши Ижтимоий муаммолар бўйича статистика тадқиқотлар бўлими томонидан бажарилди.</p> <p>Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Ижроси тўғрисида маълумот
				<p>томонидан 2022 йилда амалга ошириладиган статистик тадқиқотлар дастурига мувофиқ ноябрь ойида тадқиқот иши Ижтимоий муаммолар бўйича статистика тадқиқотлар бўлими томонидан бажарилди.</p> <p>Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти томонидан 2022 йилда амалга ошириладиган статистик тадқиқотлар дастурига мувофиқ декабрь ойида тадқиқот иши Иқтисодий муаммолар бўйича статистика тадқиқотлар бўлими томонидан бажарилди.</p> <p>Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти томонидан 2023 йилда амалга ошириладиган статистик тадқиқотлар дастурига мувофиқ март ойидаги 2та тадқиқот иши бажарилди, тармоқ бошқармаларидан тегишли тартибда хулоса олинди.</p> <p>Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти томонидан 2023 йилда амалга ошириладиган статистик</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Ижроси тўғрисида маълумот
				<p>тадқиқотлар дастурига мувофиқ апрел ойида тадқиқот иши режалаштирилмаган.</p> <p>Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти томонидан 2023 йилда амалга ошириладиган статистик тадқиқотлар дастурига мувофиқ май ойида тадқиқот иши режалаштирилмаган.</p> <p>Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти томонидан 2023 йилда амалга ошириладиган статистик тадқиқотлар дастурига мувофиқ июнь ойида тадқиқот иши бажарилиб тармоқ бошқармасидан тегишли тартибда хулоса олинди.</p> <p>Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти томонидан 2023 йилда амалга ошириладиган статистик тадқиқотлар дастурига мувофиқ июл ойидаги тадқиқот иши ҳозирда Экология ва кишлоқ хўжалиги статистика бошқармасига тақдим этилган.</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Ижроси тўғрисида маълумот
6.	Давлат статистика қўмитаси 2020-2021 йилларда Институт ўқув биносини ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқларини модернизация ва реконструкция қилишни таъминласин	2020-2021 йиллар учун Давлат статистика ишлари дастурини шакллантиришда Институт биносини капитал таъмирлаш учун маблағлар кўзда тутиш.	2020-2021 йиллар	Бажарилган. Институтнинг 2020 йил 4 майдаги “Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтида 2020 йилда жорий таъмирлаш ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги 15-сонли буйруғи қабул қилинди;
7.	Институт ўқув биносини капитал таъмирлаш ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқларини модернизация ва реконструкция қилишни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Давлат статистика қўмитасига 2020-2021 йиллар учун Давлат статистика ишлари дастурини бажаришга ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин.	2020-2021 йиллар учун Давлат статистика ишлари дастурини шакллантиришда Институт биносини капитал таъмирлаш ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиш учун маблағлар кўзда тутиш.	2020-2021 йиллар	
8.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат статистика қўмитасининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ Институт ўқув биносини капитал таъмирлаш билан боғлиқ харажатларга қўшимча маблағлар ажратишни назарда тутсин	Институт ўқув биносини муҳандислик-коммуникация тармоқларини модернизация қилишни ҳисобга олган ҳолда капитал таъмирлаш бўйича лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, 2020-2021 йилларга мўлжалланган Давлат статистика ишлари дастурларига киритиш.	2020-2021 йилларда	
9.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 октябрдан эътиборан Институт ҳузурида “Эконометрика ҳамда статистика” ҳамда “Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари” ихтисосликлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори	Институт ҳузурида “Эконометрика ҳамда статистика” ҳамда “Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари” ихтисосликлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгаш ишини ташкил этиш.	2019 йил 1 октябрдан	Бажарилган. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2019 йил 30 сентябрдаги 269/2–сонли қарори билан Институт ҳузурида “Эконометрика ва статистика” ҳамда “Иқтисодиётда ахборот

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Ижроси тўғрисида маълумот
	(DSc) илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгаш ташкил этсин.			<p>тизимлари ва технологиялари” ихтисосликлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасини бериш бўйича Dsc.30.09.2019.i.92.01 рақамли илмий кенгаш ташкил этилди, илмий кенгаш таркиби ҳамда илмий семинар таркиби тасдиқланди. Илмий кенгаш ўз фаолиятини самарали олиб бориши учун барча шароитларни яратиш мумкин бўлган хона ажратилиб, кўмитанинг молиявий кўмагида таъмирланди ва тегишли жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.</p> <p>ОАК Раёсатининг 2019 йил 30 декабрдаги 272/2 – сон қарори ва унинг ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган ОАК раисининг 2019 йил 30 декабрдаги 378-сон қарори билан “Эконометрика ва статистика” ҳамда “Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари” ихтисосликлари бўйича фалсафа доктори ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича Dsc.30.12.2019.i.92.01 рақамли илмий кенгаш ташкил этилди, илмий кенгаш таркиби ҳамда илмий семинар таркиби тасдиқланди.</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Ижроси тўғрисида маълумот
10.	<p>Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳар йили белгиланган тартибда ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган мақсадли илмий-техникавий дастурларни шакллантириш доирасида Давлат статистика қўмитасининг буюртмаси бўйича миллий ва халқаро статистика услуги ҳамда амалиётига доир илмий тадқиқотлар лойиҳаларининг танловларини доимий равишда ташкил этилишини таъминласин;</p> <p>2020 йилдан эътиборан Институт учун “Эконометрика ва статистика” ва “Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари” йўналишлари бўйича таянч докторантура ва докторантурага қабул квоталарининг ажратилишини назарда тутсин.</p>	<p>Миллий ва халқаро статистика услуги ҳамда амалиётига доир илмий тадқиқотлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва танловга қўйиш учун Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этиш.</p> <p>2020 йилдан бошлаб “Эконометрика ва статистика” ва “Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари” йўналишлари бўйича таянч докторантура ва докторантурага қабул квоталарининг ажратилишини таъминлаш вазирлигига тақдим этиш.</p>	Ҳар йили	<p>Бажарилмоқда.</p> <p>2020 йил илмий кенгаш томонидан “Эконометрика ва статистика” ихтисослиги бўйича 7 та PhD иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори ва “Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари” ихтисослиги бўйича 1 та DSc иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимояси ўтказилган;</p> <p>2021 йил бошидан ҳозирга қадар, “Эконометрика ва статистика” ихтисослиги бўйича 6 та, “Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари” ихтисослиги бўйича 3 та, “Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари” ва “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти (иқтисодиёт фанлари)” туташ ихтисослиги бўйича 1 та, жами 10 та PhD иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимоя қилинди.</p> <p>2022 йил илмий кенгаш томонидан “Эконометрика ва статистика” ихтисослиги бўйича 5 та ва 08.00.14 – «Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари» 08.00.04 –</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Ижроси тўғрисида маълумот
				«Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» тугаш ихтисосликлари бўйича 1 та PhD иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимояси ўтказилган.
11.	Институт Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 42б-уй манзилига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин ва унга Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари марказининг асбоб-ускуналари, мебеллари, компьютер техникаси ва бошқа мол-мулки ўтказиб берилсин.	Белгиланган тартибда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш.	-	Бажарилган. Институт Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 42б-уй манзилига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида жойлаштирилган ва унга Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари марказининг асбоб-ускуналари, мебеллари, компьютер техникаси ва бошқа мол-мулки ўтказиб берилган.
12.	Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.	Маълумот ва ижро учун қабул қилиш.	-	Бажарилган. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.